БУ ЙИЛ *бошқача бўлади!*

2-саҳифада

ЕТИШМАЁТГАН ҲАЛҚАНИНГ ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТЛАРИ

3-саҳифада

КЎРИНМАС ЗИНА

4-саҳифада

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

YOSHLAR OVOZI

№18 (16323)

2019-YIL 6-MART, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi www.yoshlarovozi.uz yoshlarovozi@umail.uz @Yoshlar

XALQARO HAMKORLIK

ИННОПОЛИС САРИ ЙЎЛ

Юртимиз вакиллари Татаристон Республикасидаги Иннополис шаҳрида бўлди. Чорак аср мобайнида йўқ жойдан барпо этилган бу замонавий кент Россиянинг инновацион марказларидан бири ҳисобланади. Бу бўйича уни Москва атрофида бунёд этилган Сколково ва Новосибирск вилоятидаги Кольцовога қиёслаш мумкин.

Инновацион ривожланиш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликларининг масъул ходимларидан иборат Ўзбекистон делегацияси ташриф доирасида Иннополис университети раҳбарияти билан ҳам учрашди.

Мулоқот давомида олийгоҳ директори Кирилл Семенихин меҳмонларга Иннополис олимлари яратган энг сўнггги инновацион ишланма — қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш лойиҳаси ҳақида сўзлаб берди. Ушбу ахборот модули ёрдамида ер майдонларини масофадан туриб мониторинг қилиб, уларнинг ҳосилдорлик даражасини ҳамда айни участкада қандай экин экиш мумкинлигини аниқласа бўлади.

Икки томонлама музокаралар якунида лойиҳани ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олинди. Шу билан бирга, келгусида иқтидорли талабаларимиз учун Иннополисда ўқиш, илмий ва педагог ходимларга стажировка ўташ ҳамда малакасини ошириш имкони яратиб берилади.

Н.БАҲОДИРОВА

MUNOSABAT

МАҚОМ САНЪАТИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда барча соҳаларда янгидан-янги талаб ва имкониятлар пайдо бўляпти. Жумладан, халқимизнинг миллий мақом санъатини асраб-авайлаш, ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, дунё миқёсида мақом санъати нуфузини янада ошириш зарурати вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ҳам айни шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда эълон қилинди, дейиш мумкин.

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан IX-X асрларда янада ривожланиб, янги воситалар билан бойиди ва маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Асрлар давомида улуғ шоиру олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шуҳрат ва эътибор қозонди. Мақом санъатининг гултожи бўлган "Шашмақом" эса ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йилнинг 6 апрелида эса "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди. Унга кўра, Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ташкил қилиш белгиланиб, 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунларида биринчи марта шундай тадбирни ўтказиш борасида билдирилган таклифлар маъқулланган эди.

Халқаро миқёсда ташкиллаштирилаётган Шаҳрисабз анжуманига қизғин тайёргарлик кўрилди ва таъкидлаш лозим, унинг юқори савияда ўтказилгани хорижлик мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. Оқсарой майдони ҳудудида мақом санъатига оид турли кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар намойиши ташкил қилинди. Анжуманда дунёнинг 70 мамлакатидан 500 нафарга яқин таниқли хорижий олим ва мусиқачи иштирок этди. Шунингдек, анжуманни ёритиш мақсадида 30 та давлатдан 40 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашиб, ўзбек мақом санъати нуфузини дунёга танитди.

Қарийб бир ҳафта давомида дунёнинг машҳур хонанда ва созандалари, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар нигоҳи Шаҳрисабзда бўлди. Оқсаройнинг мовий гумбазлари остида оромбахш наволар янгради. Улардаги жозиба, оҳанг, илоҳий куч-қудрат мусиқага ошуфта қалбларни забт этди. Ғолиб ва совриндорларга пул мукофотлари, махсус диплом ва эсдалик совғалар тақдим этилди. Анжуманда иштирок этган барча хорижий меҳмонларга сувенир ва махсус сертификатлар топширилди.

Қабул қилинган янги фармойишда Халқаро мақом санъати анжуманини иккинчи марта 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида ўтказиш белгиланди ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг бу борадаги таклифи маъқулланди. Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг галдаги вазифалари белгиланди.

Халқаро анжуманга тайёргарлик ишлари 2019 йилнинг апрель ойидан бошланади ва "йўл харитаси" ишлаб чиқилади. Тадбирни ўтказишнинг аниқ санаси белгиланиб, республика ва жаҳон миқёсида тарғиботи ташкил этилади. Унинг доирасида ўтказиладиган танлов шартлари ва илмий-амалий конференция мавзулари эълон қилинди. 2020 йил 1 июнга қадар эса республикамиз ҳудудларида мақом ансамбларининг концерт дастурлари, ёш мақом ижрочилари, бастакорлар ўртасида "Мақом йўлида яратилган энг яхши асар" каби номинациялар бўйича республика танловлари ҳамда таниқли мақомшунос олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари ташкил этилади. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳридаги Мақом музейи ҳам ушбу санъатга оид тарихий, илмий-ижодий манбалар, қадимий ва замонавий чолғу асбоблари ва бошқа янги экспонатлар билан янада бойитилади.

Албатта, мазкур фармойиш ЎзМТДПнинг мақсади ва вазифаларига ҳамоҳанг. Чунки халқимизнинг тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш каби эзгу амаллар партиянинг энг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Демак, ЎзМТДП ва унинг ҳудудлардаги маҳаллий кенгашлари ҳам Президентимизнинг "II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим.

Санжарали ИМОМОВ,
"Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати.
ЎзА

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

72 НАФАР ЁШГА 600 ГЕКТАР ЕР

Маълумки, "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастурида йигит-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Айни пайтда дастур ижроси юзасидан республикамиз бўйлаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Тошкент вилоятида тадбиркорлик қилиш истагида бўлган йигит-қизларнинг 72 нафарига "Yoshlar mehnat guzari" қуриш, савдо мажмуаси, иссиқхона, балиқчилик, боғдорчилик,

чорвачилик билан шуғулланиш учун 600 гектар ер майдони ажратилди.

Хусусан, Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг қарорига асосан, Галаботир маҳалласи ҳудудидан Синдор Эркинбоевга иссиқхона барпо этиш учун ер майдони берилди. Ёш тадбиркор "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасидан 220 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бу орқали Синдор тўрт нафар йигит-кизни доимий иш ўрни билан таъминлади. Бугунги кунда иссиқхонада булғор қалампири, помидор ва бодринг кўчатлари парвариш қилинмоқда.

Наргиза ТОЖИМУРОДОВА

ИНСОНИЯТНИ МАҲВ ЭТАЁТГАН "АЖДАРҲО"

ёки адабиёт ва санъат сунъий интеллектга муҳтожми?

Ахборот технологиялари, тижорат ва бизнес, хизмат кўрсатиш соҳаси... мана энди эса, тасвирий санъат, адабиёт ва журналистика. Янги мингйилликдаги энг оламшумул кашфиётлардан бири — сунъий интеллект ёки оддий қилиб айтганда, роботлар жаҳон меҳнат бозорини тобора шиддат билан "ишғол" этмоқда. Бугун "ақлли машиналар" наинки биздан анча олисда бўлган коинот, балки инсон қалбигача етиб борди.

РОБОТЛАР ИНСОН ХАЁЛОТ ВА ҲИССИЁТ ОЛАМИНИНГ ИНЪИКОСИ САНАЛМИШ АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИ "ҚЎЛГА ОЛА БОШЛАГАНИ" ФАНТАСТИКА ЭМАС, ДЎСТЛАР. БУ — АЙНИ ҲАҚИҚАТ! ЖУДА АЧЧИҚ ВА АЧИНАРЛИ ҲАҚИҚАТ!

БУ КЕТИШДА ЕР ЮЗИДА ДАҲО ИЖОДКОРЛАР ТУҒИЛМАЙ ТУРИБ "ЎЛИШИ", ҲИССИЗ МАШИНАНИНГ УЗУНДАН-УЗОҚ КОДЛАРИ ИЖОД МАЙДОНИДАН ҲАҚИҚИЙ ИСТЕЪДОДЛАРНИ СИҚИБ ЧИҚАРИШИ ЭҲТИМОЛДАН ХОЛИ ЭМАС

меъёр-чегараси бор. Бу кўҳна ҳикмат. Нима бўлганда ҳам,

ИНСОН ОНГЛИ МАВЖУДОТ ВА ҚИЛАЁТГАН ИШИНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ТЎЛИҚ АНГЛАМОҒИ ЗАРУР!

Ресторанда мижозга робот-официант хизмат кўрсатиши, "Ишонч телефон"ларига робот жавоб бериши,

КОМПЬЮТЕР РЕМБРАНДТ УСУЛИДА ЧИЗГАН ПОРТРЕТНИ ҲАТТО ТАЖРИБАЛИ ЭКСПЕРТЛАР АСЛИЯТДАН АЖРАТА ОЛМАГАН

Маълумот ўрнида бир-иккита факт. Ўтган йили робот томонидан чизилган сурат дунёдаги энг машҳур савдо уйларидан бири — Кристис аукционида 432 минг АҚШ долларига сотилди. Японияфонд биржасидаги мураккаб амалиётларни робот бажаришига қарши эмасмиз, асло. Бош устига! "Ақлли машиналар" оғиримизни енгил, узоғимизни яқин, ҳаётимизни қулай қилса, ким ҳам миннатдор бўлмайяратиш вазифасини топширган. Буни қарангки, мураккаб алгоритм ёрдамида чизилган суратни ҳатто тажрибали экспертлар аслиятдан ажрата олмаган экан.

ЎЙЛАБ ҚАРАСАК, РОБОТНИ ҲАЗРАТ НАВОИЙ УСЛУБИДА ҒАЗАЛУ МУХАММАСЛАР БИТИШ ЁИНКИ ХЕМИНГУЭЙНИНГ "АЛВИДО, ҚУРОЛ!"И ҲАМДА ДОСТОЕВСКИЙНИНГ "ТЕЛБА"СИГА МОНАНД ЎЛМАС АСАРЛАР ЁЗИШГА ЎРГАТСА БЎЛАР ЭКАН-ДА. ФАҚАТ ЎША БИТИКЛАР КИТОБХОНИ НЕЧОҒЛИК ТАЪСИРЛАНТИРА ОЛИШИ ҲОЗИРЧА ЖУМБОҚ.

Бошқа тахмин ҳам бор. Бу кетишда Ер юзида даҳо ижодкорлар туғилмай туриб "ўлиши", ҳиссиз машинанинг узундан-узоқ кодлари ижод майдонидан ҳақиқий истеъ-

ЯҚИН ИСТИҚБОЛДА ДУНЁДАГИ БАРЧА АХБОРОТ МАТНЛАРИНИНГ 90 ФОИЗИ (!) МАШИНА КОДИДА ЯРАТИЛИШИ ТАХМИН ҚИЛИНМОҚДА

да сунъий интеллектнинг "ижод маҳсули" энг яхши асарлар ўнталигидан ўрин олганига нима дейсиз! Жаҳонга танилган матбуот нашрлари, масалан, "Forbes" журнали ёки "The New York Times" газетасида журналистик материалларни машина коди ёрдамида яратиш амалиёти жорий қилинганига ҳам мана, бир неча йил бўляпти. Ажабланишга шошилманг. Айтаётганларимиз ҳали ҳолва. Яқин истиқболда барча ахборот матнларининг 90 фоизи (!) роботлар томонидан ёзилиши тахмин қилинмоқда.

Бундай реаллик "хомо сапиенс"нинг интеллектуал имкониятлари чегара билмаслиги ҳамда одамзод техник тараққиёт чўққисига кўтарилганидан далолат беради, албатта. Бироқ юқоридаги ақл бовар қилмас жараёнлар шахсан менда келажак ҳақида хавотирли ўйларни туғдирмоқда. Мушоҳада қилиб

ди дейсиз? Лекин инсон тафаккурига озуқа берувчи, эстетик дидини шакллантирувчи, ички оламига гўзаллик олиб кирувчи, хуллас калом, ҳис-туйғуларимизга алокадор санъат ва адабиётдек ижодий соҳаларни роботлаштириш тўғримикан? Ҳолбуки,

РОБОТЛАР ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТОБОРА ШИДДАТ БИЛАН "ИШҒОЛ" ЭТМОҚДА

ҲАҚИҚИЙ ИЖОД ИЛОҲИЙ ҲОДИСА. ДЕМАК, УНГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АРАЛАШОЛМАЙДИ. АРАЛАШИШГА ҲАҚҚИ ҲАМ ЙЎҚ!

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий

ЛОНДОНДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТОМОНИДАН ЧИЗИЛГАН СУРАТ 432 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА СОТИЛГАН

кўринг, замондош, ахир, борликни роботлаштириш тенденцияси эртага инсоният бошига битган балога айланмасмикан?!

Тўғри, тамаддун чархпалагини тўхтатиб бўлмайди. Ривожланиш керак. Бироқ ҳар нарсанинг

комиссияси масъул котиби Алишер Икромов яқинда журналистлар даврасида ростмана ажабтовур маълумотни ошкор этди. Дунёнинг қайсидир бурчида олимлар сунъий интеллектга Рембрандт усулида тасвирий санъат асарини

бораётгандек. Ажаб эмаски, кун келиб одамлар робот ижодига ҳам тасанно айта бошласа.

Э йўқ, шахсан мен бундай келажакда яшашни хоҳламасдим.

P.S.: *Дарвоқе, 4 март куни ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида "сунъий идрок" ва барқарор ривожланиш масаласига бағишланган йирик анжуман ўз ишини бошлади. Унда бутун дунёдан йиғилган олиму мутахассислар борлиқни роботлаштириш билан боғлиқ кейинги экспериментлар инсоният келажагига қандай таҳдид солиши мумкинлигини муҳокама қилмоқда. Бу эса, мақолада кўтарилган мавзу нечоғлиқ жиддий эканининг яна бир исботидир.*

Наргиза УМАРОВА

www.yoshlarovozi.uz yoshlarovozi@umail.uz @Yoshlarovozi

YOSHLAR OVOZI

VATANGA XIZMAT — OLIY BURCH

“ВАТАНПАРВАР”ДА УЧРАШУВ

Қарши шаҳридаги “Ватанпарвар” боғида “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч!” шиори остида ҳарбийларнинг ёшлар билан учрашуви ташкил қилинди. Унда вилоятдаги барча таълим муассасаларидан жами 400 нафар ўқувчи ва талаба иштирок этди.

Яқиндагина барпо этилган маърифий даш олиш масканида 24 та ҳарбий техника, Иккинчи жаҳон уруши ҳақида тасаввур берувчи ер ости йўли, уч қаватли музей ҳамда 8 та ўқ отиш майдончаси мавжуд. Бундан ташқари, боғда ҳарбий соҳага оид бошқа экспонатларни ҳам учратиш мумкин.

Учрашув давомида миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғлон учун шарафли бурч экани таъкидланди. Шунингдек, юртимиз манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш бугунги кун талаби экани ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди. Якунда савол-жавобларга ўрин қолдирилди.

Иқбол АБДУҲОЛИҚОВ,
Ёшлар иттифоқининг Қарши шаҳар кенгаши бўлими мудири

KUN MAVZUSI

БУ ЙИЛ *бошқача бўлади!*

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили тест жараёнларига ўзгартириш киритилиб, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш синовлари янги талаблар асосида адолатли, шаффоф, холис ва очиқ тартибда бўлди. Мазкур ўзгаришлар абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олинди. Янги ўқув йили қабул жараёнларида ҳам мавжуд тизимни янада ислоҳ қилиш, ёшлар учун қўшимча имконият ва қулайликлар яратиш мақсадида “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.



ЙИҚИЛГАНМИСАН? УНДА ПУЛИНИ ТЎЛАБ ҚЎЙ!

Энг асосий ва кўпчиликни қизиқтирган мавзу — аввал синовларга келиб, ўқишга кира олмаган, бу йил эса, яна ҳужжат топширган абитуриентларга тааллуқли бўлди. Энди улар энг кам иш ҳақининг бир баравари — 202 минг 730 сўм миқдорида тўловни амалга оширади. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи битирувчилари бу тўловдан озод этилган. Шунингдек, абитуриент мазкур суммани тўлагач, бир вақтнинг ўзида учта олийгоҳга ҳужжат топшириш имконига эга бўлади. Дарвоқе, тўловга Давлат хизматлари агентлигининг хизмат ҳақи киритилмаган.

ПУЛЛАР НИМАГА САРФЛАНАДИ?

Таълим пулли бўлса, унинг қадр-қиймати ортади. Мутасаддилар мазкур тажриба хориж амалиётида мавжудлигига алоҳида урғу бермоқда. Дарҳақиқат, хориж тажрибасида қабул имтиҳонлари пулли ўтказилиши бор гап. Улар университетларнинг даражасига қараб, бир-биридан фарқланади. Ўз навбатида, энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан ошмайди.

— Абитуриентлар биздан ҳаққонийликни талаб қилмоқда, — дейди Давлат тест маркази директори Мажид Каримов. — Улардан тушган маблағларнинг 80 фоизи имтиҳонда фойдаланиладиган ахборот коммуникация технологиялари воситалари, шахсни аниқлаш ва қузатиш камераларини сотиб олишга сарфланади. Маълумки, тест синови ўтказилаётган ҳар битта аудитория онлайн трансляция қилинади. Мисол учун, ўтган йили бу борада 1000 та гуруҳ шакллантирилган эди. Бу эса, худди шунча кузатув камераси ва маблағ дегани. Қолаверса, ижара тўловлари бор. Ўтган йили “Ўзэкспомарказ” павильонининг ўн беш кунлик ижарасига 2 миллиард сўм тўланган. Бизда элликдан ортиқ бундай йирик бинолар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бўлса, спорт залларидан фойдаланганимиз учун уларни таъмирлаб беришни сўрамоқда. Ижара, таъмир учун эса, пул керак.

Таъкидланишича, абитуриентлардан йиғилган пул ДТМ қабул имтиҳонлари учун ажратиладиган маблағнинг ўндан бири ҳам эмас. Йиғилган маблағ тест бинолорининг ижара тўлови, катта қувватли кондиционерлар, ота-оналар учун мониторлар билан жиҳозлаш, тўрт мингдан ортиқ гуруҳ назоратчиларига тўланадиган иш ҳақи, тушлик, тест материалларини сифатли тайёрлаш, уларни ўз вақтида белгиланган жойларга етказиш, олиб келиш, сақлаш ва бошқа харажатлар учун ишлатилади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, тест натижаларини эртасигаёқ эълон қилиш учун қурилма сифатли бўлиши зарур. Уни сотиб олишга эса, катта маблағ керак. Маблағнинг асосий қисми ана шу қурилмани сотиб олишга сарфланади. Ўта ноёб ва қиммат бўлган бу ускунадан мамлакатимизда атиги икки дона бор. (Солиштириш учун Туркияда 30 дан ортиқ шундай қурилма мавжуд).

Маълумотларга қараганда, жорий йилда тест синовларида иштирок этиш истагида бўлган абитуриентлар сони бир миллион нафардан ортиши кутилмоқда. Уларнинг 700 минг нафардан зиёдини умумтаълим, касб-ҳунар коллежи, академик лицей битирувчилари ташкил қилади. Қолган 400 минг нафарга яқин абитуриент эса, иккинчи ёки ундан кўп қабул имтиҳонларида қатнашган йигит-қизлардир.

Ҳисоб-китоб қилсак, 400 минг нафар аввал ҳужжат топшириб, ўқишга кира олмаган абитуриентнинг ҳар бири белгиланган суммани берса, тўпланган маблағ 81 миллиард сўмдан ортади. ДТМ бу пулларга ҳар йили киммат принтерлар сотиб олмаса керак? ДТМ раҳбари пулларнинг умумий миқдори ва сарфланиш сметаси бўйича аниқ ва шаффоф маълумотлар тақдим этишга ваъда берди.

УЧТА ЭДИ, БЕШТА БЎЛДИ

— 2020-2021 ўқув йилидан абитуриентлар бешта фан бўйича имтиҳон топшириши режалаштирилмоқда, — дейди Давлат тест маркази директори Мажид Каримов. — Тест фанлари мажмуаси икки бўлимга ажратилади. Учта мажбурий ва иккита ихтиёрий фандан абитуриентларнинг билим даражаси текширилади. 2019 йилнинг сентябрь-октябрь ойида эса, фанлар мажмуи маълум қилинади.

Мазкур ўзгариш ҳали лойиҳа кўринишида турибди ва жорий йилда эмас, кейинги ўқув йили учун ўтказиладиган тест синовларида қўлланилади. Лойиҳага кўра, абитуриент она тили фанидан қўшимча имтиҳон (диктант, оғзаки савол-жавоблар) топшириб, керакли балл тўплай олса, шу фандан бўладиган тестлардан озод қилинади.

РЕКТОР ИШДАН КЕТАДИ?!

Юқоридаги талаб, энг аввало, давлат гранти асосида ўқиш истагида бўлганлар учун жорий қилинмоқда. Улар она тили ва соҳасига бевосита алоқадор бўлмаса-да, мактабда ўтилган фанлардан хабардор бўлиши лозим. Яна ўша гап: “Хориж тажрибасида бор”.

Танганинг нариги томонига юзлансак, ахир бу тажриба чаласаводликка олиб келмайдими? Хориж деяпмиз, у ерда университетга кириш осон, лекин ўқиш қийин. Кўплаб талабалар таҳсилни эплолмай ташлаб кетади, бизда эса, аксинча. Майли, киришни осон қилиб қўяйлик, аммо олийгоҳда сифатли ва кучли билим берайлик. Бироқ юқоридаги фикрларга ДТМ директорининг жавоби бошқача:

— Хорижда университетдан 80 фоиз талаба ҳайдалса, ҳеч ким индамайди. Бизда эса, 10 фоиз талабани четлаштирган ректор ишдан кетади!

АБИТУРИЕНТНИНГ БАЛИ УЧ ЙИЛГАЧА “ҚУЙМАЙДИ“

Яна бир ўзгариш. Эндиликда ўқишга кира олмаган абитуриентга тест синовида тўплаган балларини тасдиқловчи сертификат берилади. Бу ҳужжат уч йилгача амал қилади. Келгуси йили мазкур балл олийгоҳга кириш учун етарли бўлса, у талаба бўлиш имкониятини қўлга киритади. Қўшимчасига бу муддат давомида у ЭКИҲни қайта тўлаши ҳам шарт бўлмайди.

ОЛИЙГОҲГА БОРМАЙ, ТАЛАБА БЎЛИШ МУМКИН!

Маълумки, абитуриентлар ҳужжат топшириш ва имтиҳонда иштирок этиш учун вилоятдан Тошкентга келар, бу эса унинг вақти, пулининг сарфланишига сабаб бўларди. Энди абитуриент ўзи доимий рўйхатдан ўтган манзилида Давлат хизматлари марказлари орқали ҳужжат топшириши мумкин. Бундан ташқари, абитуриент олий таълим муассасига келмай туриб, имтиҳонга кириши ва талаба бўлиш имконига эга. Мана буни ҳақиқий қулайлик деса бўлади!

СЎНГСЎЗ

Мазкур қарор муҳокамаси кенг жамоатчиликка тақдим этилгани, фикрлар олинаётганини эътироф этиш лозим. Талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, муқобил қарор лойиҳаси яратилса, нур устига нур бўларди. Зеро, гап мамлакатимизнинг эртанги авлоди, унинг билим олиши, етук, малакали қадр бўлиб, Ватанга хизмат қилиши устида кетмоқда. Шошма-шошарликка йўл қўймай, етти ўлчаб, бир кесган маъқул.

Шерзод МАҲМУДОВ,
Бекзод ҚУДРАТОВ

HASHAR — ELGA YARASHAR

ЭЗГУ УМИДЛАР ҲОСИЛАСИ

Баҳор янгиланиш ва яшариш фасли. Унинг сеҳри ила она замин митти чечакларга бурканади. Бу вақтда инсонлар қалбида ҳам ажиб туйғулар ниш уради.

Ўзини табиат билан бир бутун эканини дилдан ҳис этган инсон кимгадир яхшилик қилишни, ҳаётга янгича нигоҳ ила боқишни истайди. Ана шундай эзгу умидлар ҳосиласи бўлган ҳашар эса, донишманд халқимизнинг азалий қадрияти, десак муболаға бўлмайди. Шу боис ёшлар ҳашар баҳона бир жойда жам бўлса, уларнинг аҳиллиги, уйимиз остонасини саранжом-сариштa қилаётганини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Ахир, асл Ватанпарварлик шу эмасми?!

Яратиш, бунёдкорлик завқи билан яшаётган ва фаровон ҳаёт барпо этишга интилаётган бухоролик тенгдошларимиз ана шундай эзгу амалга қўл урди. Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ҳашарда 118 минг 776 нафар юртдошимиз қатнашди. Уларнинг аксарияти ёшлар экани эса, кишини қувонтиради.

140 та маҳаллада уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашарда 284 километр ариқ-зовурлар тозаланди. 120 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари махсус жойларга олиб борилиб, қайта ишлашга йўналтирилди. Шунингдек, жойларда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган “Эко-патруль” лойиҳаси амалга оширилди.

Бундан ташқари ўттиздан ортиқ зиёратгоҳ, қабристон, масжид ва уларга олиб борувчи йўлаклар обод қилинди.

Ёшлар ҳашари кунлари нафақат ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, балки кўнгил ободлигига ҳам эътибор қаратилди. Бир гуруҳ ёшлар ёлғиз қариялар, ногирон ва муҳтожлар ҳолидан хабар олди. Кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак берилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳашар ўғил-қизларга яна бир бор юртсеварлик ва инсонийликдан сабоқ берди.

Лайло ҲАЙИТОВА

TARG'IBOT

“ИТТИФОҚ” — КУБОК СОҲИБИ

Поп шаҳридаги “Ёшлик” ўйингоҳида мини футбол бўйича “Барчаси ўз қўлингда” шиори остида “Иттифоқ кубоги” ўтказилди.

Вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган тарғибот декадаси томонидан ташкил этилган мусобақада 15 та жамоа иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз беллашувнинг финал учрашувида ўзининг эпчиллиги ва маҳорати билан ажралиб турган “Ёшлик” ва “Иттифоқ” жамоалари куч синашди.

Якунда “Иттифоқ” жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, “Иттифоқ кубоги”га сазовор бўлди.

Совриндорлар туман кенгашининг фахрий ёрлиқ, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдурауф АБДУҒАНИЕВ,
Ёшлар иттифоқининг Поп тумани кенгаши бош мутахассиси

SPORT

ҒОЛИБЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ

Шўрчи туманида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан “Қўл жанги” бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда ҳудуд ёшларидан ташқари, самарқандлик ва бухоролик ёшлар ҳам иштирок этди. Спортчилар етти вазн тоифасида баҳсларга киришди.

Якунда барча йўналишларда ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Мусобақада 80 нафар спортчи куч синашди, — дейди Иттифоқнинг туман кенгаши раиси Зафар Эшқулов. — Майдондаги ёшларнинг ҳаракати, ғалабага бўлган интилиши барчада катта таассурот қолдирди. Ғолиб тенгдошларига ҳавас билан қараётган ўғил-қизларни

кўриб, бу каби тадбирларни келгусида доимий равишда ўтказишга келишиб олдик.

Наргиза ҚОРАБОЕВА

ЦЕХДАН ЧИҚИБ СПОРТ ЗАЛИГА

Ўзбекистон металлургия комбинатида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида волейбол, стол тенниси ва қувноқ эстафета бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Уларда корхонанинг 30 га яқин бўлинмасидан 150 нафардан зиёд ишчи-ходим қатнашди.

“Ёшлик” спорт мажмуасида кечган стол тенниси бахслари якунига кўра, назорат ўлчов ва автоматика цехи ишчиси Рушан Бердияровага тенг келадигани топилмади.

Волейбол ўйинида марказий лаборатория жамоаси, қувноқ эстафетада эса, электрда пўлат эритиш цехи жамоасининг қўли баланд келди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Бекзод ҚОДИРОВ,
Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти раиси

TAQDIMOT

МУНОСИБ СОВҒА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Оила энциклопедияси” ва “Хотин-қизлар энциклопедияси” китобларининг тақдимоти ўтказилди. Маросимда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вакиллари ҳамда фаол аёллар иштирок этди.





Маросимда таъкидлганидек, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти томонидан чоп этилган мазкур китобларда ёшларни турмушга тайёрлаш, ажрашишларнинг олдини олиш борасида қилиниши керак бўлган ишлар, оиланинг маънавий-ахлоқий негизлари ва қадриятларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, уларда оила институтининг ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялашдаги ўрни хусусида сўз боради.

Эслатиб ўтамиз, “Оила энциклопедияси” 10 минг нусхада чоп этилиб, ёш оила вакиллари, кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилади.

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

КЕЛДИ, КЎРДИ, ҲАЛ ҚИЛДИ

Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши вакиллари бандлик бош бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда мардикорлик қилиб кун кўраётган ёшларни очиқ суҳбатга чорламоқда.

Яқинда масъуллар Жиззах шаҳридаги "Эски шаҳар" деҳқон бозори атрофида "қўним топган" ишсиз юртдошларимизнинг аҳволини ўрганди.

Суриштирув чоғида 37 нафар йигит меҳнат фаолиятини норасмий равишда олиб бораётгани аникланди. Уларнинг уч нафарига бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Тўрт нафари эса, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлди.

Элдор НАВРЎЗОВ

TANLOV

ЭНГ ЯХШИ БОЛАЛАР ҚАҲРАМОНИ — "БУЮК БОЛАКАЙЛАР"!

кўрик-танлови якунланди. Энг яхши болалар қаҳрамонлари танлаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Энг яхши болалар қаҳрамони / қаҳрамонлар гуруҳи" кўрик-танлови якунланди.

Мазкур танлов мактабгача таълим материалларини ўргатувлар учун энг яхши болалар қаҳрамонини яратиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унга 270 нафар ижодкордан 1000 дан зиёд иш келиб тушди.

Асарларнинг 17 таси кўрик-танловнинг якуний — финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Финалчиларнинг 10 нафари онлайн овоз бериш йўли билан сараланган бўлса, қолган 7 нафари ташкилотчилар томонидан танлаб олинди.

Финал босқичида иштирокчиларнинг ишларини Мактабгача таълим вазирлиги мутасаддилари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мутахассислари, таниқли санъаткорлар, дизайнерлар ҳамда блогерлар баҳолаб борди.

Ҳакамлар ҳайъати баҳоларига асосан, биринчи ўрин 172 балл тўплаган Тоҳир Исломовга насиб этди. Унинг "Буюк болакайлар" персонажи энг яхши иш деб топилди ва муаллиф ташкилотчилар томонидан 10 миллион сўм пул мукофотига эга бўлди.

"Барча тарихий шахслар — ҳукмдорлар, олимлар, шоирлар, санъат намояндалари бир пайтлар бола бўлган. Шундан келиб чиқиб, менда уларни боғча ёшида акс эттириш ғояси пайдо бўлди. 4-5 ёшда болалар келажакда ким бўлишларини аниқ билмайди, бироқ келажакларини белгилаб берувчи иқтидор ва қизиқишларини шу ёшдаёқ намоён этади. Шунинг учун бу танлов болаларни тарбиялашда, йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади", деди танлов ғолиби Тоҳир Исломов.

Иккинчи ўринни эса Ҳуршид Турсунбоев эгаллади. У яратган "Турсунбой ва Қўчқорбой" персонажи ҳакамлар томонидан 152 баллга лойиқ кўрилди. Муаллифга ташкилотчилар томонидан 6 миллион сўм пул мукофоти топширилди.

Учинчи ўрин Лейла Мўминовага насиб этди. Унинг "Анора" персонажи 145 балл тўплаб, 4 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, томошабинлар эътирофи совринига овоз бериш мактабгача таълим муассасаларида давом этмоқда. Натижалар тез кунларда эълон қилинади.

ЎзА

TAHLIL VA TALQIN

ЕТИШМАЁТГАН ҲАЛҚАНИНГ ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Илм-фан даромад келтирадиган соҳами? Мазкур саволга турли мамлакат вакиллари ҳар хил жавоб бериши тайин. Ажабланарли жойи йўқ. Ахир, ҳамма давлатларда ҳам илмий ишланмалар тижоратлаштирилмайди-да. Масалан, Ўзбекистонда бу амалиёт салкам бир йил аввал — Президентимизнинг "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кучга киргач йўлга қўйилди. Шу аснода маҳаллий инновацияларни амалиётга жорий қилиш жараёнида етишмай турган муҳим ҳалқа тикланди, дейиш мумкин.

МАҲАЛЛИЙ ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРНИ ТИЖОРИЙ МАҲСУЛОТГА АЙЛАНТИРИШ ҲАМДА САРМОЯДОРЛАРГА СОТИШ МАҚСАДИДА ЮРТИМИЗДА 19 ТА ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Бошқача айтганда, эндиликда олим йиллар давомида яратган технология ёки инновациясига харидор қидириб сарсон бўлмайди. Илмий ишланмани тижорий маҳсулотга айлантириш ҳамда бизнес тузилмаларга сотиш билан инвестицион компаниялар шуғулланади. Ҳозирча юртимизда уларнинг сони 19 та. Барчаси давлат кўмагида ташкил қилинган бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларига тегишли жами 157 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳасини амалга оширмоқда. Ҳаркалай, тадбиркорликнинг биз учун мутлақо янги ҳисобланган ушбу шаклига илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда хорижий сармоядорлар ҳам ўз улушини қўшмоқда.

батафсил маълумот бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Илғор технологиялар марказида пресс-брифинг ташкил қилди. Шу баҳонада журналистлар инновацион стартап компаниялари раҳбарлари билан бевосита учрашиб, жонли мулоқот қилиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти маҳаллий хомашёдан дори воситаларини яратиш бўйича республикамиздаги етакчи илмий муассаса ҳисобланади. Масалан, протеолитик (оқсилларни парчаловчи) хусусиятга эга

БАШАРТИ, ҚОРХОНА АТИГИ БИТТА ДОРИ ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН МИЛЛИАРДЛАБ СЎМ ТУШУМГА ЭГА БЎЛСА, ЎША ИШЛАНМАНИ ЯРАТГАН ОЛИМЛАР ҚАНЧА ФОЙДА КЎРИШИ МУМКИНЛИГИНИ ТАСАВВУР ҚИЛИБ КЎРИНГ-А. МАНА СИЗГА ИЛМНИНГ ҚАДРИ! МАНА СИЗГА АДОЛАТ! МЕҲНАТ ҚИЛГАН, РОҲАТИНИ ҲАМ КЎРСИН-ДА ЭНДИ!

ЭНДИЛИКДА ОЛИМ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЯРАТГАН ТЕХНОЛОГИЯ ЁКИ ИННОВАЦИЯСИГА ХАРИДОР ҚИДИРИБ САРСОН БЎЛМАЙДИ

ТИЖОРАТЛАШТИРИШДАН ОЛИНАДИГАН ИЖОБИЙ ЭФФЕКТ ЮҚОРИ. УШБУ ТИЗИМ ИЛМГА МАБЛАҒ ТИККАН ТАДБИРКОРГИНА ЭМАС, БАЛКИ ПЕШАНА ТЕРИНИ ТЎКИБ, ЎША ИЛМНИ ҚИЛГАН ТАДҚИҚОТЧИГА-ДА БОЙИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ. БУ ЭСА, ОЛИМЛАР МЕҲНАТИГА ЯРАША, АЛБАТТА, РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ ДЕГАН ГАП. ДЕМАК, ИЛМ-ФАННИ ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН ЭКАН-ДА.

Масаланинг ижтимоий аҳамияти ҳам бор. Ҳар бир инвестицион компания давлатга солиқ тўлаш баробарида, ички меҳнат бозорининг барқарорлашишига ҳам ҳизмат қилади. Хусусан,

ЖОРИЙ ЙИЛ ЯКУНИГАЧА МАҲАЛЛИЙ ИННОВАЦИОН СТАРТАП КОМАНИЯЛАРИ ТОМОНИДАН 300 ДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ.

Бошланишига ёмон эмас!

Кейинги эътиборли жиҳат. Юртимизда фаолият кўрсатаётган 19 та инвестицион компаниянинг ҳар бири эътиборини фақат маҳаллий ишланмаларга қаратган. Яъни, улар учун илмий ҳамжамиятда ҳам, дунё тижорат маконида ҳам Ўзбекистон брендини танитиш ва юксалтириш принципиал масала. Англаб турганингиздек, бундай ёндашув импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар қўламини кенгайтиришни назарда тутувчи давлат сиёсати принципи билан тўлиқ ҳамоҳанг.

Хўш,

ЎТГАН БИР ЙИЛ МОБАЙНИДА ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯЛАР НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИ?

Дастлабки натижалар борми ва улар нечоғлиқ салмоқли? Муаммолар-чи?

Айни долзарб саволлар юзасидан

"КУКУМАЗИМ" ФЕРМЕНТ ПРЕПАРАТИНИ ОЛИМЛАРИМИЗ УЗОҚ 2008 ЙИЛДАЁҚ КЛИНИК СИНОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИБ, ПАТЕНТЛАГАН ЭДИ. БИРОҚ УНИ САНОАТ МИҚЁСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛГАН.

"Кукумазим" бир пайтнинг ўзида жарроҳлик, стоматология, офтальмология, ортопедия ҳамда отоларингологияда қўлланилиши мумкин. Демак, ушбу уникал дорига эҳтиёж катта. Шу даражадаки, бутун бошли фармацевтика корхонасини қуриб, ишга туширишга заурат туғилган.

ЛОЙИҲА ЖУДА ҚИММАТ — НАҚ 500 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. УСТИГА-УСТАК, ХАРАЖАТЛАР ЎЗИНИ ТЎЛИҚ ҚОПЛАШИ УЧУН ЕТТИ ЙИЛ КУТИШ КЕРАК.

Илож қанча, ахир, аҳоли саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Қолаверса, препарат ўзимизда яратилгани боис, хорижий аналогларига қараганда кўп карра арзондир. Бу ҳам истеъмолчи учун муҳим жиҳат.

Хуллас, барча омилларни ҳисобга олиб, Ўсимлик моддалари кимёси институти "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ билан ҳамкорликда "Кукумазим" препаратини ишлаб чиқариш ва реализацияси билан шуғулланувчи "Etalon Med Product" масъулияти чекланган жамиятини очишга карор қилди.

Банк ажратган кредит маблағлари ҳисобига зарур техник ускуналар харид қилинган. Тез орада конвейер линияси ишга тушиши керак. "Etalon Med Product" инвесткомпанияси директори Улуғбек Каримовнинг сўзларига қараганда, жорий йилдан қолмай "Қукумазим" дорихоналарга етарли миқдорда етказила бошланади.

Шу ўринда бир қайд. Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, илмий ишланмани тижоратлаштиришдан олинган йиллик даромаднинг 40 фоиздан кам бўлмаган қисми унинг муаллифларига ажратилиши шарт.

Ўтган йили дала синовлари якунига етган "Биосолвент" препарати тупроқнинг шўрини ювиш учун мўлжалланган. Фермернинг оғирини енгил қилишга қодир ушбу инновация Фанлар академияси Боорганик кимё институти олимларининг фахри ҳисобланади. Ўзбекистонда ўхшаши йўқлиги ҳам рост. Академик Аббосхон Тўраев бошчилигида амалга оширилган узоқ йиллик тадқиқот ишлари, алал-оқибат, нафақат янги ишланма, балки янги корхонанинг юзага келишига ҳам замин ҳозирлаганини айтмайсизми.

"Инновацион биотехнологиялар" масъулияти чекланган жамияти 2018 йилнинг август ойида ташкил этилди. Ушбу стартап компания "Асакабанк" билан шерикликда иш олиб бормоқда.

ОЛИМЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ БЎЙИЧА, "БИОСОЛВЕНТ"НИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДАГИ ЖАМИ 40 МИНГ ГЕКТАР ШЎРЛАНГАН МАЙДОНДА ҚЎЛЛАШ ЗАРУР. БУНДАЙ "ЁРДАМЧИ КУЧ"ГА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲАМДА ХОРАЗМЛИК МИРИШКОРЛАР МУҲТОЖ.

Айнан улар учун махсус семинарлар ўтказилиб, препаратни қачон ва қандай қўллаш кераклиги тушунтирилди. Шундан бери "Инновацион биотехнологиялар" МЧЖга буюртмалар "ёғилиб келмоқда".

— "Биосолвент"ни саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ кетади, — дейди компания раҳбари Жамолхон Жўрабоев. — Сармоянинг ярмини банк ажратди. Қолган маблағ институтники. Маҳсулотимизга харидор доимо топилишига аминман. Сабаби янги препаратни йилда икки бор — баҳор ва кузда (баъзан эса, ўсимликларнинг вегетацияси даврида ҳам), камида 5-6 йил давомида узлуксиз ишлатиш керак. Шунда самараси билинади. Тупроқ таркибидаги зарарли ионлар 2-3 бараварга камайиб, ҳатто шўрланиш батамом бартараф этилиши мумкин.

"Kimyoviy texnologiya" МЧЖ раҳбари, тадбиркор Сухроб Юсупов ёш бўлишига қарамай, бизнесини айнан илмий лойиҳалар асосига қуришга қарор қилди. Инвестицион компанияни у "Асакабанк" билан тенг улушда ташкил қилган. Сармояни эса, анча мураккаб тармоқ — нефть-газ саноатида аскатаётган инновацияларга киритмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари ишлаб чиққан понтон қурилмаси тижоратлаштириш мақсадида саралаб олинган дастлабки 43 та инновацион ишланманинг бири саналади. Шахсан давлатимиз раҳбари назорати остида ўта синчковлик билан тузилган мазкур рўйхатга у тасодифан кириб қолмаганига Сухроб Юсуповнинг қисқа тақдимотидан кейин янада қатъий ишонч ҳосил қилдик.

— Биласиз, нефть-газ маҳсулотлари, масалан, автобензин жуда катта сиғимли резервуарларда сақланади, — дейди ёш тадбиркор. — Лекин вақт ўтган сайин ушбу хомашё таркибидаги енгил углеводородлар буғланиб, ёнғин келиб чиқиш хавфини туғдиради. Бунга йўл қўймаслик учун понтон қурилмаси яратилган. Жорий йилдан банк тақдим этган 2 миллиард 300 миллион сўм кредит маблағи эвазига ишлаб чиқариш корхонасини қуришни бошладик. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводдан 7 минг 236, Муборакдаги заводдан 13 минг 700 дона маҳсулотга буюртма олинган. Ҳаммаси бўлиб эса, 200 минг пантон қурилмасига эҳтиёж бор. Биз юз минг дона ортиқчаси билан ишлаб чиқармоқчимиз. Бойси истиқболда маҳсулотни экспорт қилишни ҳам мўлжал қилдик-да.

* * *

Брифинг чоғида олиму тадбиркорлар мавжуд муаммоларни ҳам четлаб ўтмади. Масалан, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази директори Шаҳло Турдиқулованинг айтишича, фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаган инновацион стартап компанияларимиз тижорат майдонининг бошқа йирик ўйинчилари билан баб-баравар рақобатлашишга мажбур. Улар учун ҳеч қандай енгиллик ёки имтиёз кўзда тутилмаган.

— Биз давлат корхоналари, ташкилот ва муассасалар билан тўғридан-тўғри шартнома туза олмаймиз, — таъкидлади Ш.Турдиқулова. — Чунки амалдаги қонунчиликка кўра, улар ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, илмий ишланмани ҳам фақат тендер савдолари орқали харид қилишга ҳақли. Баъзан вазият абсурд даражагача етмоқда. Биргина мисол. Ўтган йили марказимиз "Biotest-Lab" масъулияти чекланган жамиятини очди. Мақсад турли биокимёвий таҳлиллар ўтказиш учун керакли тест жамланмалари (реактивлар)ни Ўзбекистонда ишлаб чиқаришдан иборат. Ҳозирда уларнинг барчаси хориждан, катта валюта ҳисобига келтирилмоқда. Қондаги гемоглобин ва глюкоза миқдорини аниқлаш, АЛТ таҳлили ҳамда сифилис инфекцияси диагностикаси учун зарур реактивларни, биринчи навбатда, оилавий поликлиникаларга етказиб беришни мақсад қилганмиз. Бироқ,

МИНГ АФСУСКИ, ЎЗИМИЗДА ЯРАТИЛГАН, ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ЭРТАГА ЎЗИМИЗДА ҚЎЛЛАШИМИЗ КЕРАК БЎЛГАН, ТАННАРХИ АНЧА АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИ ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ СОТА ОЛМАЙМИЗ. ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШИМИЗ ШАРТ. АММО БУ ЖАРАЁНДА МАСАЛА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ФОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛМАСЛИГИ ҲАМ МУМКИН.

Мана шундай пайтда давлатимиз маҳаллий инвестицион компанияларни қўллаб-қувватласа, уларга муайян устунликларни тақдим этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Наргиза УМАРОВА

"KAFOLAT":
Yoshlar sug'urta faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi

Milliy sug'urta bozoridagi kuchli raqobat sharoitida mijozlarga sifatli va tezkor xizmat ko'rsatish "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ ning ustuvor vazifalaridan hisoblanadi.

O'zbekiston sug'urta bozorida o'zining alohida o'rniga ega bo'lgan ushbu kompaniya aholi va tashkilotlarga keng ko'lamli sug'urta xizmatlarini taqdim etish, ularning sifatini yanada oshirish hamda ko'ngilsiz hodisalar yuz berganda respublikaning istalgan joyida o'z xizmatlarini taqdim etish uchun chekka hududlarda ham yangi bo'linmalarini ochish masalasiga alohida e'tibor qaratmoqda. Dastlab kompaniyaning 48 ta mintaqaviy tarmog'i tashkil etilgan. Keyingi yillarda ularning soni oshib, birgina 2018-yilda 23 ta yangi bo'linmalari ishga tushirildi. Bugungi kunda ularning soni 216 taga yetib, 38 ta ish o'rni yaratildi.

Hozirda kompaniya tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga har tomonlama qulay, pasaytiruvchi koeffitsientlarni o'z ichiga olgan, mijozlarning manfaatlariga mos keluvchi 100 dan ortiq majburiy va ixtiyoriy sug'urta turlari bo'yicha xizmatlar taklif etilmoqda.

Kompaniyada tunu kun ishlovchi, murojaatlarni qabul qiluvchi "Call senter" mavjud bo'lib, mijozlarga to'lovlarni amalga oshirish uchun tezkorlik ta'minlanmoqda. Ushbu dispetcherlik xizmati operatorlari tomonidan oyiga mijozlar va fuqarolardan mingga yaqin qo'ng'iroq qabul qilinmoqda.

O'zbekiston sug'urta xizmatlari jahon sug'urta bozoriga kirib, sug'urta eksportini ta'minlashda muhim rol o'ynamoqda. Jumladan, 2018-yilda "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ tomonidan 1 million AQSH dollaridan ortiq sug'urta xizmatlari eksport qilindi.

O'tgan yil mobaynida kompaniyaga Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki (YTTB) kabi dunyoning nufuzli tashkilotlari vakillari, bundan tashqari, Xitoy Xalq Respublikasi ekspertlari va boshqa chet el tashkilotlari vakillari tashrif buyurib, kompaniya faoliyatiga katta qiziqish bildirdi.

Kompaniya xodimlari ham sug'urta yo'nalishida yetakchi bo'lgan mamlakatlar — Yaponiya, Germaniya, shuningdek, sug'urtaning markazi bo'lgan Londonda malaka oshirib qaytdi. Bundan tashqari, Qozog'iston, Rossiya, Birlashgan Arab Amirligi kabi davlatlarda o'tkazilgan xalqaro forum, anjuman, biznes uchrashuvlarida ishtirok etib, 100 dan ortiq sug'urta tashkilotlari bilan aloqalar o'rnatildi. Buyuk Britaniya, Polsha, Panama, Janubiy Koreya, Hindiston, Birlashgan Arab Amirligi, Rossiyaning sug'urta va qayta sug'urta kompaniyalari bilan hamkorlik shartnomalari imzolandi.

O'zbekiston sug'urta bozorida faoliyat yuritayotgan 30 dan ortiq sug'urta kompaniyalaridan ikkitasi xalqaro reytingga ega bo'lsa, shundan bittasi — "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" aksionerlik jamiyatidir. "Fitch Ratings" xalqaro reyting agentligi kompaniya reytingini "V+"dan "VV-"ga oshirib, uning istiqbolini "Barqaror" deya baholadi. Reytinglarning tasdiqlanishi kompaniya uchun mahalliy va xorijiy investitsiyalarni jalb etish, xalqaro moliya institutlari bilan istiqbolli hamkorlik ko'lamini yanada kengaytirishga imkon yaratadi.

Aytish kerak, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 9-oktabrdagi "Kafolat sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyati faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish davlat dasturlari doirasida yuridik va jismoniy shaxslarga sug'urta himoyasini taqdim etish, "Mahalla", "Nuroniy" jamg'armalari va O'zbekiston yoshlar ittifoqi bilan birgalikda sug'urta xizmatlarining sonini oshirib, respublikaning barcha hududlari aholisini keng qamrab olish belgilangan. 2018-yilda kompaniya xodimlari tomonidan qaror ijrosi doirasida kompaniyaning barcha filiallari Yoshlar ittifoqi bilan hamkorlikda bir qancha ishlarni amalga oshirmoqda. Jumladan, 2018-yilda Ittifoqning Namangan viloyati kengashi tavsiyasiga ko'ra, hududiy filialda 35 nafar yosh o'n kunlik "Sug'urta savodxonligi" o'quv mashg'ulotida ishtirok etib, yakunda ular bilan agentlik bitimlari imzolandi.

KAFOLAT
SUG'URTA KOMPANIYASI AJ

Shuningdek, hududda yoshlar uchun uy-joy qurish dasturlariga ko'ra, uy-joylarni sug'urtalash bo'yicha 357 ta shartnoma imzolanib, 259,3 million so'm sug'urta mukofoti jamlandi, 56 milliard 242 million so'm sug'urta javobgarligi olindi.

Andijon viloyati filiali tomonidan esa, Yoshlar ittifoqi hududiy kengashi bilan hamkorlikda 20 ta agentlik kelishuvi, 1 ming 228 ta uchrashuv, 816 ta shartnoma, 360 million sug'urta mukofoti, 35,5 milliard so'm sug'urta javobgarligiga erishildi. Viloyat filiali aholiga taqdim etiladigan sug'urta xizmatlarini keng targ'ib etib, sug'urta tushumlarini o'sishida o'z xissasini qo'shgan 4 nafar yosh sug'urta agenti velosipedlar bilan taqdirlandi.

O'zbekiston yoshlar ittifoqi Yetakchilar kengashi bilan hamkorlikda o'tkazilayotgan qator tadbirlar "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi ijrosini ta'minlash, ularni ma'nan barkamol etib tarbiyalash, yot g'oyalar ta'siriga tushib qolishining oldini olish, huquqiy bilimi va madaniyatini oshirish kabi ezgu maqsadlarga yo'naltirilgani bilan ahamiyatlidir. Muntazam ravishda o'tkazib kelinayotgan turli sport musobaqalari, bayram tadbirlari, xalq ardog'idagi shoir, yozuvchi va san'atkorlar bilan uchrashuvlar, yoshlarning teatr namoyishlari va muzeylarga sayohatlar navrastalarni ham ma'nan, ham jismonan barkamol insonlar qilib tarbiyalash, ularning ma'naviy saviyasi va estetik tarbiyasini yuksaltirish yo'lidagi ezgu ishlardir.

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishi, 2017-yil 13-sentabrdagi "Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to'g'risida"gi qarori ijrosini ta'minlash yuzasidan kompaniyada Prezident asarlari, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, huquqiy, tarixiy va badiiy adabiyotlardan iborat kutubxona tashkil etildi. Ushbu kutubxona xodimlarning ma'naviy ongini yanada oshirish, ularning mutolaaga bo'lgan mehri va qiziqishining ortishiga xizmat qilmoqda desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Shuningdek, "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" aksionerlik jamiyati boshqaruvi xodimlari, Yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi tomonidan 2018-yil noyabr oyida vazirlik, idora va tashkilotlar o'rtasida o'tkazilgan "Do'stlik spartakiadasi" sport musobaqalarida faol ishtirok etib, sovrindorlar qatoridan joy oldi. Kompaniya Boshqaruvi mutaxassisi Olga Lyovushkina shaxmat bo'yicha ayollar o'rtasida o'tkazilgan bahslarda faxrli ikkinchi o'rinni qo'lga kiritdi. G'oliblarga O'zbekiston yoshlar ittifoqi hamda kompaniya tomonidan medal va esdalik sovg'alari topshirildi.

Kompaniyaning milliy sug'urta bozoridagi raqobatbardoshligini ta'minlash, ishonchli, mustahkam, professional va dinamik rivojlanib boruvchi mexanizmini yaratish maqsadida an'anaviy o'tkazilib kelinayotgan "KAFOLAT E'TIROFI" tanlovida "Kompaniya rivojiga qo'shgan munosib hissasi uchun" nominatsiyasi bilan O'zbekiston yoshlar ittifoqi ham taqdirlanganini mamnuniyat bilan qayd etish lozim.

Bir so'z bilan aytganda, milliy sug'urta bozoridagi kuchli raqobat sharoitida mijozlarga sifatli va tezkor xizmat ko'rsatishda yoshlarning o'rni va ahamiyati kun sayin oshmoqda.

Kompaniyaning bosh maqsadi — mijozlar oldidagi majburiyatlarni to'liq va sifatli bajarish va bu orqali ijtimoiy yo'naltirilgan O'zbekiston iqtisodiyotiga munosib hissa qo'shish.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Ko'rinmas zina

Hayot kemasi mehnat langariga suyanmasa, shamolu dovullarga dosh berolmaydi. Har bir odamni hayotiy tajriba shaxs sifatida shakllantirib boradi. Odam mehnati bilan qadr topadi, degan gap bor xalqimizda.

Otam bundan bir necha yil muqaddam tadbirkorlik bilan shug'ullanuvchi bir boy xonadon egasi haqida gapirib bergandi. Aytishicha, o'sha tadbirkor maktabda o'qiydigan ikki nafar farzandiga ham umuman pul bermas ekan. Shu sabab, o'g'li maktabdan qaytgach, mashina yuvish shoxobchasida ishlar, qizi esa, bir yarim-ikki yoshlar atrofidagi go'dakka enagalik qilar ekan.

Qo'sha-qo'sha mashina va dang'illama uyga ega insonga bu xilda yashash nahot uyat bo'lmasa?! Buni eshitgan kishining dilidan shu kabi savol o'tishi aniq, albatta.

Nazarimda, o'sha tadbirkorning farzandlariga nisbatan tutgan yo'li to'g'ri. Farzandni mehnatga o'rgatib, boqimandalik kayfiyatida qoldirmaslik ota-onaning dilbandiga qilgan katta yaxshiligidir. "Yesam arpa nonini mehnat bilan, Shirindir birovlarning oq nonidan", degan edi Sa'diy Sheroziy.

Biroq hamma ham farzandini mehnatkash qilib tarbiyalamaydi. Bolasining "qiynalib" qolishidan tashvishlanib, ro'zg'orning oddiy yumushini ham o'zi bajaradigan otaonalar ham bor. Ular farzandining bugunini o'ylaydi-yu kelajagini unutadi.

Abdulla Avloniy: "Bolaning salomatligi va saodati uchun yaxshi tarbiya qilmoq, yaxshi xulqni o'rgatmoq, yomon xulqdan saqlab o'stirmoq va mehnat qilishga undamoq yaxshidir. Tarbiya qiluvchi inson — tabib. Tabib — xastaning kasaliga shifo topsa, tarbiyachi — boladagi yaxshi xulqni, poklikni, mehnatga layoqatni davolaydi", — degan edi.

Darhaqiqat, inson jismoniy mehnat bilan vujud salomatligini mustahkamlasa, aqliy mehnat bilan ruhiy halovatga erishadi. Kishi mehnatsiz komillikka erisha olmaydi.

Mehnatni kelajakka qo'yilgan poydevor ekanini anglagan yoshlar doim katta yutuqlarga erishgan. Shuningdek, yoshlik nafasi g'animat, imkon qadar o'ynab-kulish kerak, degan fikr esa, bebaho vaqtni havoga behuda sovurishdir.

Yutuqlarga sabab bo'lmish mehnat go'yo ko'rinmas zinaga o'xshaydi. Uni boshqalar payqamaydi. Biroq aynan mana shu pillapoya eng to'g'ri yo'l va kech bo'lsa-da, ko'zlangan manzilga olib boradi.

To'g'ri, bu anchayin mashaqqatli yo'l. Insondan sabr-bardosh talab etadi. Irodani toblaydigan bu jarayon esa, bizni hayotga teran nigoh ila qarashga, o'zgalar mehnatini qadrlashga o'rgatadi.

Umida SAYLIYEVA

BILASIZMI?

Koinotda inson qulog'i eshita oladigan tovush yo'q. Lekin bu galaktikamizda jimjitlik hukm suradi, degani emas.

Kosmosda turli-tuman elektromagnit signallar, masalan, radioto'lqinlar mavjud. Ba'zi asboblar ularni ilg'ab, tovushga aylantira oladi. Shu asnoda, koinotdagi signallarni ma'lum ma'noda "eshitishimiz" mumkin.



"Kumushli sunami" iborasi Yer yuzida keksalar salmog'ining uzluksiz ortib borishini anglatadi. Ikkinchi jahon urushidan so'ng aholi sonining keskin o'sishi kuzatilgan. Avj pallasi 40-yillar o'rtalari hamda 60-yillar oxiriga to'g'ri kelgandi. O'sha davrda tug'ilgan insonlarning aksariyati hozir pensiya yoshiga yetgan. Bu, o'z navbatida, keksalar uchun zarur infratuzilma (tibbiyot va ijtimoiy xizmatlar)ga bo'lgan ehtiyojni kuchaytirmoqda.

Rohatoy QODIROVA tayyorladi.

YIG'INDI GAPLAR

"Chanqoq bosdi"

Bolaligimda doktor desa, rangim oqarib ketardi. Hozir ham ahvol shu. Tibbiyot muassasasiga ishim tushmasin deyman. Hafsalam pir bo'lgan. Hadeb "kaltak" yegandan keyin shu-da.

Tongga yaqin isitmam kuchaydi. Hamxonam "tez yordam"ga qo'ng'iroq qildi. "Bizning hududga qarashli emas", — deb boshqa bir nechta raqam berishdi. "O'chirilgan", "mavjud emas", band… Rosa sarson bo'ldi bechora. Bu yoqda men o'z yog'imga qovurilib yotibman.

Do'stim yana boyagi raqamga sim qoqdi. O'sha javob. Bo'lmasa deng, kasalxonagacha yayov yurilganda yarim soatlik yo'l. Do'stim "Kattangga qo'ng'iroq qilsam, kelasizlarmi? Odam o'laman deb turganda, hududga bo'lishga balo bormi?!" — deb o'shqirib bergach, oxiri "tez yordam" mashinasi yetib keldi. Shunda ham bir soat sudraldi-ya. Do'xtir deganlari ikkita ukol urdi-da, juftakni rostladi. To'rt soatdan keyin, yana titrab uyg'ondim…

Ikki yoshimda qo'lim singandi. Bilmadim, qanday tashxis qo'yishgan, gipsdan keyin, qo'lim qiyshiq bo'lib qoldi. Tuman markazidagi kasalxonada: "Biroz shishgan, qaytib ketadi", — deb tinchlantirishdi. Bir oy o'tdiki, ahvol o'zgargani yo'q. Keyinchalik Samarqanddagi tanish doktorga olib borishganda: "Suyakning bir tomoni o'sib, ikkinchisi o'smay qolgan", deb uch enli suyakni operatsiya orqali olib tashlashdi. Asorati hali ham bor — qiyshiq bitgan.

Ukam hech kasal bo'lmaydigan bola, birdan isitmalab, ko'ngli ayniy boshladi. Poliklinikaga olib borsak, navbatchi shifokor: "Yengil shamollash, o'tib ketadi", — dedi. Boshqa shifokor topdik. Keldi, tekshirdi… Shosha-pisha operatsiyaga olib ketishdi. Ikki soatdan so'ng doktor qo'lida bir piyola yiring bilan chiqib keldi — ukamning o'pkasidan chiqqan ekan.

Shahar markazidagi kasalxonaga onamni olib borishgandi. "Biz bunday bemorlarni qabul qilmaymiz", — deya rosa ovora qilishdi. Bir amallab tanish-bilishlarni ishga solib, e'tiborni "sotib olishga" majbur bo'ldi uydagilar.

Germaniyaliklar Ibn Sino bobomizni juda ardoqlar ekan. Ularda "Tib qonunlari"ni yod bilmagan abiturient tibbiyot oliygohiga hujjat topshirishi mumkin emas. O'zimiz-chi, bu ulug' zotning asarlarini nega aqalli varaqlab qo'ymaymiz? Akademiyani tamomlagan ba'zi shifokorlarimiz "Gippokrat qasami"ni "chanqoq bosdi" uchun ichadimi, bilmayman, "tanka" aralashmaguncha pinagini buzmaydi. To'g'ri-da, axir, kelgan tekshiruvchi dardiga davo topgan bemorlarni emas, to'ldirilgan anketalarni so'raydi, axir. Endi bu yog'iga o'zingiz xulosa chiqaravering.

Bunyod ABDULLAYEV

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'rindoshlik asosida ishlaydiganlarga ish haqi qanday tartibda to'lanadi?

Ozoda HAMIDOVA
Guliston shahri

Savolga huquqshunos Javohir SHAMSUTDINOV javob beradi:

— Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 18-oktabrdagi qarori asosida tasdiqlangan "O'rindoshlik asosida hamda bir nechta kasbda va lavozimda ishlash tartibi to'g'risida"gi nizomga ko'ra, o'rindoshlar mehnatiga ishbay (haqiqatan bajarilgan ish uchun) yoki vaqtbay (ishlangan vaqtga mutanosib tarzda) haq to'lanishi mumkin.

Ishbay shaklda ish haqi ishning qiymati bo'yicha hisoblanadi.

Vaqtbay tizimida esa, agar o'rindoshga normalangan topshiriq belgilansa, u holda maosh xodim tomonidan amalda bajarilgan ish uchun o'sha ishning pirovard natijasiga qarab to'lanadi.

Odatda o'rindoshlik asosida ishlovchilarga mehnat haqi, qo'shimcha haq, mukofot, ustama va rag'batlantirishlar tashkilotning barcha xodimlari uchun belgilangan tartibda to'lanadi.

LUQMA

Milliy mentalitet(xoslik) — QO'RG'ON!

Darhaqiqat, milliy mentalitet — bu qo'rg'on! U o'zini muayyan xalqqa daxldor bilishga imtiyoz beradi. Va o'zigagina tegishli hududlar (qadriyatlar, udumlar)ga rioya qilish va zarur holda ularni himoya qilishga chorlaydigan burch. Bu esa, kishiga "bu — mumkin", "bu — xavfli" deya yo'l ko'rsatadi, gohida mas'uliyat yoki majburiyat ham yuklaydi. Bu qo'rg'onni boy bergan yoki uni "xom" o'ylaganlarga esa "bu kerakmi?", "u aslida, noto'g'ri", deya kengfe'llik(liberallik) beradi.

Aslida o'ziga taalluqli biror narsa(!)ni jon-jahd bilan himoya (konservatorlik) qilish qahramonlik - faxr! Bo'lmasa bugungi kichik yon berishlar ertaga katta yo'qotishlarga sabab bo'lishini tarix bot-bot isbotlagan.

Bugun har gapning birida "chet ellik mutaxassislar kelsin", "bizda kadrlarga ehtiyoj yuqori", deyish ham muammoga yechim bo'larmikan? To'g'ri, ularda ilm va xalqaro tajriba bordir, lekin o'zlikni himoya qilish ham kerak-da. Tog'ay Murod aytganidek, "mehmondo'stlik" degan bebaho tushuncha ham "qo'rqoqlik"ka yo'g'rilib ketaveradi-da.

O'zlikni mustahkam tutsak, har qanday xorijlik ham BIZ bilan o'ylab gaplashadi: hech qursa, "bu qiliqlarimizni ular qabul qilmaydi", deb o'ylarmidi. Hozirgidek, "sizning bu odatingiz to'g'ri emas", deya, bizga, bizdan ortib otabobolarimizga tanbeh bergandek, og'ziga kelganini aytmaydimi, deyman-da, do'stim!

Bahodir JOVLIYEV

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev – mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Boboravshan G'OZIDDINOV

Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-313
Adadi — 22246
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 23.45
O'zA yakuni — 23.25
1 2 3 4 5 6